

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 149 (1748), 2026 йил 24 июль, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



Янги Ўзбекистон руҳи

Буюк ўзбек йўли

ИШОНЧЛИ ҚЎЛДАДИР
ВАТАН ТАҚДИРИ!

Бугун дунё геосиёсий харитасида содир бўлаётган шиддатли ўзгаришлар, минтакавий можаролар ва гибрид таҳдидлар ҳар бир давлатдан нафақат кучли иқтисодиёт, балки замонавий ва жанговар армияга эга бўлишни талаб этмоқда. Шу маънода, олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли Қуролли Кучлар мамлакатимиз мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашнинг чинакам кафолатига айланиб бораётгани қувонарли, албатта. Бу мисли қўрилмаган ислохот хавфсизлик пойдевори бўлган Ўзбекистон Республикасининг Мудофиа доктринаси ислоҳи билан бошландики, аввалги ноаниқ ва муҳкам бандлар ўрнига ҳарбий соҳада миллий дахлсизликни таъминлашга доир принциплар ва ёндашувлар аниқ белгилаб қўйилди.

Мен кўплаб Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган мажлисларида иштирок этганман ва ҳар гал Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу борада ҳар қандай камчилик ва нуқсонларга қатъий муроасазлигини кўрганман, она тупроққа меҳри суст кимсаларга бу тизимда мутолқо ўрин йўқлигини қайта-қайта таъкидлаганини эшитганман. Чегараларимиз дахлсизлиги ва юрт осойишталиги Олий Бош Қўмондоннинг бош мақсади бўлиб, Етакчимиз нафақат Ўзбекистоннинг, балки минтақа ва дунёнинг тинчлиги учун

толмас курашчи ШАХС эканига кўп бор гувоҳ бўлганман. Ун йил аввал кимдир бугунги ислохот медаларидан нишона ҳақида сўз очса, унинг ақли расолиги шубҳа уйғотиши аниқ эди. Қуролли Кучлар дарвозасига етти қат қулф урилгани боис, ўша пайтлари ичкарида кечаётган таназзул кўпчиликка сезилмаган бўлиши мумкин. Лекин озми-кўпми жараён ичида юрган гувоҳ сифатида очигини айтсам, ҳар томонлама ёпиқ, тоталитар сийosat оқибатида армиямиз ҳам моддий, ҳам маънавий

жиҳатдан инқироз ёқасига келган, халқ тилида таърифланса, хонавайрон, рамақижон аҳволда эди. Боз устига дўстни ёнга айлантириш, йўқ жойдан сунъий душман орттириш “тажриба”си туфайли ён қўшниларни ҳам бегона тутиб, тинчлигимизга хавфни ошириб олгандик (агар қўшнилар билан дўстона муносабат бўлганда, 2000-йиллари ҳар хил бузғунчи кучлар юзлаб километр йўл босиб, чегарамиздан ўтармиди?).

► Давоми 2-бетда

Биз бугун ғоялар майдонида яшапмиз. Бутун дунё таҳликага тўлиб бормоқда. Инсониятнинг қўрқув исканжаси қуршаб олган. Эртага, индинга нима бўлишини, ҳаётимиз қай томонга ўзгаришини тасаввур қилиш мушкул. Аммо Ўзбекистон халқи тақдирида бир қутлуг толе бор. Бу — тинчлик, фаровонлик, осойишта кунлар нафаси ва шукроналик туйғуси билан боғлиқ. Шулар ҳақда ўйлар эканмиз, дафъатан ҳаётимизда ёруғ фикрлар тизила бошлайди.

Бир эътироф қуввати

Яқинда, июль ойи бошида Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат таширифи билан Грузияда — Тбилиси шаҳрида бўлди.

Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе: “Дунёда раҳбарлар танқислиги сезилади, аммо Ўзбекистонда буюк бир етакчи бор. У Ўзбекистонни ривожлантиришга тўлиқ ўзини бағишлаган чинакам раҳбар. Унинг улкан ютуқлари ўзининг шахсий етакчилиги самараси”, деди.

Бу эътироф қуввати бизни янада фидойи бўлишга ундайди. Негаки, бугунги таҳликали шароитда, халқимиз гўзал ҳаётни орзу

қилиб турган бир даврда биз ҳеч қачон хотир-жамлик ва бепарволикка берилмаслигимиз керак, янада кўпроқ ҳаракат қилишимиз, қийинчиликлардан қўрқмасдан фақат олдинга интилишимиз зарур.

Янги Ўзбекистон орзусини амалга ошириш учун биз, албатта, Янги Ўзбекистон йўлидан боришимиз керак. Бу нима дегани?

Ғоя ҳақида бир киши томонидан илгари сурилади. Уни қабул қилиш ва қўллаб-қувватлаш, бир бутун халқ бўлиб ана шу ғояни амалга ошириш эса ҳар доим жамоавий бирлашишни, миллий бирдамликни талаб қилган.

Янги Ўзбекистон орзуси билан яшаётган халқимиз бугун мана шу ягона ғоя атрофида бирилаша олди. БУ ОРЗУ — КўП МИЛЛАТЛИ ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК МАҚОМИНИ ТИКЛАШ МАҚСАДИ.

Орзуларимизнинг юксалаётгани ҳақида ҳали кўп тўхталамиз. Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шаҳрига ташириф буюриб, худудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишгани ҳақида икки-уч оғиз гаплашсак.

► Давоми 3-бетда

Сурур

ЙЎЛБОШЧИ

Марказий бу Осиёнинг алпларин бедор этиб,
Қанча халқу эл-улуснинг қалбларин бедор этиб.
Қондош, жондош элатларнинг низосин тўхтатолган,
Кўнгилларга меҳру шафқат ҳам умид уйғотолган.
Бағри кенгу меҳр тўла уйлари ҳам айвони,
Замон бўлди, эй ёронлар, ўзбекларнинг замони*.

Бешиқдаги боланггача толеи белгиланган,
Уйлари ҳам фикру онгинг бутунлай янгиланган.
Қизларингнинг ёноқлари нақш олмадай қирмизий,
Ҳар боланг бир Бухорийдир, ҳар ўғлинг бир Термизий.
Сенга бўлсин боболарнинг илму ҳикмат, ирфони,
Замон бўлди, эй ёронлар, ўзбекларнинг замони.

Опамдирсан, синглимдирсан, ёримдирсан, қизимсан,
Сен Тўмарис момолардан менинг қолар изимсан.
Элу юртда равнақ бўлсин, турмуш бўлсин фаровон,
Юрт эгаси омон бўлсин, дуо айланг, онажон.
Дуо толе калитидир — элнинг балоғардони,
Замон бўлди, эй ёронлар, ўзбекларнинг замони.

Сирожддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

*Устозга тазмин

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ УЛУҒВОР
УЙҒОНИШ НАСИМЛАРИ ТАРАННУМИ

Нуқтаи назар



Яқинда таниқли ўзбек сиёсатшуноси ва публицисти, давлат ва жамоат арбоби Қудратилла Рафиқовнинг “Миллат Шавкати” китоби нашрдан чиқди ва унинг илк тақдироти Жиззах вилоятининг Зомин туманида бўлиб ўтди. Ушбу маънавий-маърифий тадбир худди уни ўтказишга асос бўлган салмоқли китобнинг ўзи сингари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим воқеадир.

Янада эътиборлиси, айни муҳташам асар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигига мўъжаз ва муносиб совға бўлди. Зеро, бугунги кунда янги Ўзбекистонда миллий давлатчилик тараққиётини фақат иқтисодий ёки сиёсий кўрсаткичлар билан эмас, балки миллат тафаккури ва дунёқараши, ижтимоий онги ва маънавий юксалиши даражалари билан ҳам баҳолаш тенденцияси тобора кўзга ташланмоқда.

► Давоми 5-бетда

ЁРУҒ КУНЛАР
ҚАДРИ

Яратганга беадад шукр, саксоннинг остонасидан ҳатладим. Бу бош яхши кунларни ҳам, қийинчилик ва ташвишли дамларни ҳам кўрди. Бекобод тумани кенгликларида умрим ўтяпти. Ҳаётимни педагогикага, маънавиятга бағишлаган инсонман. Мақтаниш эмас-у, аммо юзлаб шогирдларим, ўнлаб касбдошларим, катта-кичик раҳбарлар мени ҳақиқий маънавият тарғиботчиси, жамият ҳаётида фаол иштирок этувчи зиёли сифатида ҳурмат-иззат қилади. Ўйлайманки, ёшларга нимадир айтиш, уларга тўғри маслаҳат беришга маънавий ҳаққим бор.

► Давоми 6-бетда

ТАХТАКЎПИРНИНГ

БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ





Эндиликда армия ёшлар учун йўқотилган бир йил эмас, балки шахс бўлиб шаклланиш мавсумига айланмоқда. Ҳарбий қисмларда 3-6 ойлик касбга тайёрлаш курсларининг жорий этилиши аскарнинг уйга сертификатланган мутахассис бўлиб қайтишини таъминлайди.

Янги Ўзбекистон руҳи




yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



ИШОНЧЛИ ҚЎЛДАДИР



Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги хузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси

Бошланиши 1-бегда

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrollи Кучлар Олий Бош Қўмондони бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини нафақат мустаҳкамлади, балки уни минтақадаги энг замонавий ва жанговар армияга айлантирди.

Жаҳон тажрибаси ва таҳлиллардан келиб чиқиб, ички ва ташқи хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича янги жанговар бўлиnmалар тузилди, қўшинлар таркиби оптималлаштирилди. Қомонавий урушлар “технологиялар жанги” эканини инобатга олиб, Ўзбекистон армиясида учувчисиз учуш аппаратлари бўлиnmаларининг ташкил этилиш стратегик қадам бўлди. Бу нафақат разведка имкониятларини кенгайтиради, балки нишонларга юқори аниқликда зарба бериш қобилиятини ҳам оширади. Армияни рақамлаштириш жараёни эса бошқарув тизимининг тезкорлигини таъминламоқда. Ўзбекистон Қуrollи Кучлари кейинги йилларда техник, маънавий ва фалсафий жиҳатдан ҳам тубдан янгиланди.

Мамлакатнинг мудофаа қудрати замонавий қуroll-оруд, темир интизом ҳамда халқ ва армия ўртасидаги мустаҳкам ишонч ва руҳий бирдамлик билан ўлчанади. Бугун Ўзбекистон Қуrollи Кучлари тизимида кечаётган ўзгаришларни кузатар эканман, қўйилган тамал тошлари ва босиб ўтилган машаққатли йўл кўз олдимдан ўтади.
2012 йили Мудофаа вазирлиги хузурида янги институт — Жамоатчилик кенгаши тузилди. Ўша пайтда бизда на тажриба бор эди, на аниқ бир дастур. Офицерлар уйида ўтган Кенгашнинг дастлабки таъсис йиғилиши хотирамда муҳрланиб қолган. Ўша йиғинда Шавкат Миромонович Бош вазир сифатида иштирок этган эди. У киши бизга, ҳали бу соҳада ҳеч нарсани тушунмаган зиниллар, олимлар ва ижодкорларга кенгашнинг асл моҳиятини оддий ва лўнда қилиб тушунтириб берганди: “**Бу кенгаш шунчаки расмийлик учун эмас, халқ билан армия ўртасидаги жонли, мустаҳкам кўприк бўлиши керак!**”.

Ушбу гоа фаолиятимизнинг бош фалсафасига айланди. Аммо кўприк ҳақида гап кетгандан бир нарсани ҳеч қачон унутмаслик лозим. **Кўприкдан фақат бир томонга ўтилмайди!** У икки томонлама ҳаракатланувчи тизим бўлиши керак. Армия халққа имкон қадар оқиб бўлиши, халқ эса армияни ўз жигаридек қабул қилиши лозим. Зеро, қазармаларда хизмат қилаётган қорақўшлар осмондан тушган эмас, улар ўзимизнинг фарзандларимиз, жигарбандларимиз, маҳалладошларимиздир. Ота-она уйида ўтириб, “болам тинч, қорни тўқ, Ватанга шараф билан хизмат қилаяпти” деб кўнгли хотиржам бўлиши — тинчлигимизнинг бош омили ҳисобланса-да, афсуски, ўша йиллардаги шароит бизга кенг қулоч ёшиб ишлагаша имкон бермади. Дастлабки беш-олти йил давомида Жамоатчилик кенгаши де-факто марйонет тизимида ишлади. Ишмиз кўпроқ “ҳўжақўрсин”га, ҳисоботлар учун эди.

Бугунги шиддатли ислохотлар, замонавий полигонлар ва энг сўнгги технологиялар билан қуrollланган Миллий армиямизни кўриб, қалбимиз фатрга тўлди. Бироқ бугунги ютуқларнинг қадрига етиш учун яқин ўтмишдаги аччиқ, гоҳида эса кўз ёшсиз ўқиб бўлмайдиган саҳифаларини эслашга мажбурмиз. Жамоатчилик кенгашидаги кўп йиллик фаолиятимиз давомида армиямизнинг энг оғир ва эътибордан четда қолган даврларида гувоҳ бўлганман. Бугун ўша хатолардан хулоса чиқариш, ислохот самарасининг қадрига етиш учун ҳам оқиб гапириш мавриди етилди.

Ўша пайтларда халқаро рейтингларда Ўзбекистон армияси “Марказий Осиёдаги энг кучли армия” деб кўрсатиларди. Аммо бу шунчаки сароб эди. Бу рейтинглар собиқ иттифокдан, Туркистон ҳарбий округидан қолган эски қуroll-арюглар, танклар ва техникаларнинг сонига қараб тузиларди. Аслида эса воқелик тексари эди. Ўша мақталган техникаларнинг аксарияти занглаб, яроқсиз ҳолга келган, уларни таъмирлаш учун на маблағ, на мутахассис топиларди. Давлат армиядан пул тежаш сиёсатини юритар, муносабат шундай нуқтага етган эдики, Қуrollи Кучлар мамлакат хавфсизлиги кафолати эмас, балки газнага ортиқча оғиздек қўриларди.

Энг ачинарлиси, ҳарбий хизматнинг нуфузи ва муқаддас моҳияти йўқолганди. Ёшлар армияга Ватанини ҳимоя қилиш, эркаклик мактабини ўташ учун эмас, балки фақатгина битта имтиёз — ўқишга киришда бериладиган тавсиянома учун борадиган йиллар эди. Армия — қутлуг қасамёд масканидан ОТМга кириш учун бериладиган “йўлланма бекати”га айланиб қолганди. Бу ҳарбиятда руҳий ва маънавий инқирознинг энг юқори чўққисига айланди.

Менинг хотирамдаги энг оғриқли манзара бу — пахта далаларидаги аскарлардир. Ўша пайтда армиямизнинг асосий полигони Сирдарё ва Жиззахнинг пахта далалари бўлган. Уларнинг ҳолидан хабар олгани борганимизда, манзаралар юрак-бағирни эзарди. Тасаввур қилинг, кечки соат 22:00. Ҳаммаёқ зим-зиё. Биз ётоққа айлантирилган мактабнинг стадионида она юрт ҳимоячиси бўлган аскарларнинг қайтишини кутиб турибмиз. Узоқдан пешонасига фонарь ўрнатиб олган, аммо чехралари нурсиз, худди асирлардек оёгини судраб келаётган шарпалар кўринарди. Булар — бизнинг “марди майдон” жангчиларимиз эди. Ки-йимлари шалвираган, лой ва чангга ботган, руҳлари синиқ, кўзлари мудоқ, тинкаси қуриган бу шўрликларнинг қулоғига баландларвоз шеъримизу сохта кўтаринки лапарларимиз кирармиди?!

Бугун биз нега армиядаги оламшумул ўзгаришлар ҳақида баянлаб овозда гапиряпмиз? Чунки биз ўша “пахтакор армия” босқичидан ўтганмиз, инсон қадри гўзапўндек хор бўлган даврни кўрганимиз, армиянинг жловини “бадқовоқ нозир”лар тортганига гувоҳимиз.

Бугунги кунда Президентимиз томонидан армияни пахтадан, қурилишдан ва бошқа бегона ишлардан бутунлай халос қилингани бу — шунчаки ислохот эмас, бу миллат шаънини юксалтиришдек жасорат намунасидир. Бугун бу даврга узил-кесил нуқта қўйилди, аскарлар иккинчи даражали ишларга жалб қилиниши тўхтатилди. Бугунги кунда армиямиз тўлақонли жанговар шайлик ва тайёргарлик билан машғул бўлмоқда. Армия профессионал асосу ўтди. Бу билан биз ўша қора кунларни унутмаслигимиз керак, токи улар ҳеч қачон қайтмасин дегим келди.

Президентлик лавозимига киришган янги Олий Бош Қўмондоннинг армияни миллийлаштириш, ўзбек тилида гапирадиган ва



тафаккур қиладиган ҳарбий мутахассисларни тайёрлашга бўлган эътибори, мамлакатнинг ҳарбий салоҳиятини янги босқичга олиб чиқди. Ислохотлар доирасида ҳарбий мактаблар янгиланди. Илгари “Суворовская школа” деб машҳур бўлган ва кейинчалик ҳам негариб ана шу ажнабий насаб билан аталаверган мактабларнинг аҳоли болалар колониясига ўхшар эди. Талабалик пайтим Фарғонанинг Фрунзе массивидан тепароқда жойлашган бу номи баянлаб даргоҳнинг девори тиканли сим билан ўралган бўлиб, ичкаридан кўпинча дағдага, қичқиряқ ва сўкинч эшитилар, гоҳи эшик тирқишидан номаталоқ юзлар кўриниб, нон сўраган ёлворилар шўроққа чалинарниди. Одатда бундай “тарбия” масканларида маҳаллий халқдан кўра, кўпроқ бошқалар тарбияси оғирроқ ёки боқувчисини йўқотган болаларни топширади. Хулласи калом, бу жойни болалар жазо лагери деб аталса тўғри бўларди. Энди-чи? Аввало, бу турки совуқ масканлар батамом тугатилиб, янги “Темурбеклар мактаби”га асос солинди ва шу муборак номга муносиб шарт-шароит яратилди.

2023 йилда Ўрганч шаҳрида янги замонавий талабаларга жавоб берадиган ўқув синфлари ва лабораториялар, ётоқхона ва барча инфраструктурага эга “Жалолиддин Мангуберди” ҳарбий-академик лицейи ташкил этилди. Бугунги кунда бу ва бошқа куч ишлатар тизимларнинг турдош мактабларида таълим олаётган болаларнинг яшаш ва ўқиш шароити тубдан яхшиланди, уларнинг соғлом ва баркамол ривожланиши учун барча имкониятлар муҳайё.

Ислохотнинг самараси изчилликдир. Президентнинг узоқни кўзлаган сиёсатида кўра, ҳарбий олий ўқув юрларининг ҳам ички, ҳам ташқи қиёфаси батамом янгиланди.



ВАТАН ТАКДИРИ!

Барча ҳарбий таълим муассасалари институт мақомида марказлашган тизимга ўтказилиб, ягона Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди. Бугунги аскар ва офицер фақатгина қуrollни ишлата олиши қиёф эмас, у вазиятни таҳлил қила оладиган, тезкор қарор қабул қиладиган ва юқори технологияларни бошқара оладиган интеллектуал шахс бўлиши лозим. Сунъий интеллект асосидаги ўқитиш тизимларининг жорий этилиши кадрлар тайёрлаш жараёнини индивидуаллаштириш ва баҳолашда холисликни таъминлаш имконини бермоқда. Бу келажақдаги “ақли урушлар”дан сақланишга бугундан тайёргарлик кўриш демокдир.

Марказий Осиёда ягона бўлган Ҳарбий тибобёт академияси ташкил қилиниб, унутлаёзган Тошкент госпитали шифокорларининг шуҳрати қайта тикланди.

кўтарди. Бугун Олий Бош Қўмондон ташаббуси билан китобхон армияга айланган соҳа нафақат чегарани, балки миллий қадрият ва тилимизни ҳам ҳимоя қилувчи маънавий кўрғонга айланди.

Жорий йилда барча ҳарбий қисм ва муассасалар жами 1 миллион нусхадаги бадиий адабиётлар билан таъминланадиган бўлди.

Қуrollи Кучлар тизимидagi ҳарбийга йўналтирилган мактаб-лицей ўқувчилари, муддатли ҳарбий хизматчилар, курсантлар, сержант ва офицерлар ўртасида Олий Бош Қўмондон соврини учун китобхонлик танловини йўлга қўйилди. Оқрут, қўмондонлик, вазирлик, Олий Бош Қўмондон танловларида голиб ва совриндор бўлган аскарларнинг муддатли ҳарбий хизмати бир ойга қисқартириб берилди. Ғолибларга бош соврин — энгил автомобили соғи қилиниши китобхонлик орқали давлат тилига, адабиёт ва маънавиятга юксак эътиром намунасидаир. Қаранг, бугун хизматга келган йигит касб-хунар эгаллаши, тил ўрганиши, китоб ўқиб, маънавий дунёсини бойитиши ва бунинг эвазига автомобил миниб қайтиши мумкин! Бундай рағбат дунё тажрибаси бўлиб чинаяди. Дарҳақиқат, армиямиз бугун жасорат, маънавият ва ватанпарварлик мактабига шай бўлган армия ўша фаолиятини она халқи манфаатлари йўлига сифарбар қилган.

Ўзбекистон армиясига чақирилган йигитлар нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам баркамол, норгул, елкалари ва дунёқарашни кенг, ҳатто улар кутиб олган офицерлардан ҳам кўра басавлат кўринади. Бу йигитлар ҳарбий хизматга фақат имтиёзлар ёки мажбуриятлар учун эмас, балки Ватанини ҳимоя қилиш мақсадига келгани аниқ. Улар учун ҳарбий хизмат — фақат вазифа эмас, йигитлик бурчи ва шон-шараф масаласи. Сўхбатлаганда, “Мен ҳарбий хизматда қоламан”, “Ватанимни ҳимоя қиламан” деган ниятларни айтасиз.

Бугунги армиямизнинг янги концепцияси миллий қадриятларга асосланган. Илгари армия жамиятдан ажралган, ёпиқ тизим эди дедик. Ҳозир ҳарбий шахарчалардаги оқиқ эшиклар кунлари, ҳарбий-ватанпарварлик фестиваллари, ёшлар учун “Амир Темур воқислари” каби кўриқлар халқ ва армия ўртасида мустаҳкам ишонч кўпригини қурди. Бир пайтлар жигарбандларини ҳарбий хизматга йиғи-сини билан кузатган ота-оналар бугун фарзандларини йигитлик бурчини ўташ учун дорилфунунга ўқишга кузаётгандай шодиёна билан йўлламоқда. Дарҳақиқат, армиямиз бугун жасорат, маънавият ва ватанпарварлик мактабига айланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шахсан полигонларга бориши, аскарлар билан бирга овқатланиши, дўстона сўхбати — Олий Бош Қўмондон ва оддий аскар ўртасида руҳий яқинлиқни яратди. Ана шундай самимий муносабат халқ ва армия ўртасида ҳам шаклланди. Миллатнинг, Ватанининг хизматига шай бўлган армия ўша фаолиятини она халқи манфаатлари йўлига сафарбар қилган.

Ўн йил аввал ҳарбийлар уй олиши ушалмас орзу сифатида қабул қилинар эди. Бир умр кўчманчилардек беҳаловат ижараларда яшаб ўтган офицерларни таниймиз. Саргардон шароитда оила ва фарзанд холини тасаввур қилинг, уларнинг ташвишини чеккан ночор отанинг аҳолини кўз олдингизга келтиринг. “Оила тинч бўлса, кўнгли хотиржам бўлади. Ана шундагина Ватан ҳимоси ҳақида гапириш мумкин”, деб таскидлаганди Олий Бош Қўмондон. Бугунги кунда ҳарбийларга уй бериш анъанасига айланди. Бу борада 2025 йилда 300 хонадонли хизмат уйлари ҳамда ипотека кредити асосида 40 та кўп

қаватли уйлар қурилиб, 1200 нафар ҳарбий хизматчилар уй-жой билан таъминланди. Ҳарбийларни 373 нафар ногиронлиги бор фарзандлари ҳамда 28 нафар халок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзолари госпиталларда даволанди.

Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун турли йўналишдаги 2580 та ўқув курслари ва тўғарақлар ташкил этилиб, 918 нафарига олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар берилди. Ўтган ёз мавсумида 7391 нафар фарзандларимиз Вазирлик тасарруфидagi болалар оромгоҳларида дам олишлари таъминланди.

Бир вақтлар ота-оналар “Қизимни ҳарбийга бермайман, умри жомадон судраб, кўчама-кўча ўтадими?” деб оёқ тираб оларди. Ҳарбий оиналар республиканинг турли ҳудудларига кўчар экан, ёш оналарнинг тибобёт ва таълим масаласида сочи оқариб кетарди. Армияда тиббий хизмат кўрсатиш ва ижтимоий ҳимоя даражаси паст бўлгани учун навқирон аскарлар турли касалликлар оқибатида оилавий турмушини йўлга қўйишга қийналарди. Бугун эса ҳарбийнинг рафиқаси бўлиш чинакам шарафга айланди. Бугун нафақат сержант ва офицерлар, балки уларнинг оиласи ҳам давлат ҳимоясида. Аскарлар Ватан сарҳадларини ҳимоя қилар экан, давлат уларнинг Ватан ичидagi ватани бўлиши оиласини ҳимоя қилмоқда.

Барча соҳаларда жадидлар меросига мурожаат қилиямиз. Мудофаа ҳам бундан мустасно эмас. Маҳмудхўжа Бехбуди, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат ва Чўлпон каби жадид болаларимиз миллатнинг озолигини фақат маърифатда эмас, балки замонавий қўшинда ҳам кўрган. Туркистон Муҳториятига йўллаган мактубида “Агар биз ҳуррийят ривожини истасак, ундан баҳра топомқичи бўлсак, лозимки, ўзимиздан тадрижий суратда аскарларимиз бўлсун. Ул миллий аскарларимизнинг вазифасини, кўфат ва шаклини, либос ва тарз маишатини ўзимиз тайин қилурмиз”, деб ёзди Бехбуди ҳазратлари.

Бугунги армиямиз — айнан ўша жадидлар орзу қилган, дунё илм-фанини эгаллаган, ватанпарвар ва интеллектуал қўшиндир. Биз болаларимизнинг маънавий меросини, уларнинг кучли давлат ҳақидаги стратегик қарашларини ҳам ҳаётга табиқ этимоқдамиз.

Замонавий урушларда сон билан эмас, балки ақл билан ғалаба қозонишмоқда. Армия ва сунъий интеллект — бугунги куннинг ажралмас қисми. Ўзбекистон Қуrollи Кучлари тизимига рақамли технологиялар, дроңлар, сунъий интеллект ёрдамида бошқариладиган разведка ва алоқа тизимлари шиддат билан кириб келмоқда. Кибермакон — янги фронт ва бизнинг ҳарбийларимиз бу майдонда ҳам юқори технологик тайёргарликка эга. Шулардан келиб чиқиб, ўтган даврга армияни рақамлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Қўшинларни бошқаришда тезкорлик ва мувофиқлаштириш масалалари қайта кўриб чиқилди, барча даражадаги бошқарув органлари фаолияти такомиллаштирилди. Уларнинг фаолиятига энг илгор ахборот-коммуникация тизимларига асосланган, ишончли ҳимояга эга, автоматлаштирилган бошқарув воситалари жорий этилиб, қўшинларни автоматлаштирилган бошқарув тизими босқичма-босқич яратилмоқда. Ахборот алмашинуви хавфсизлигини таъминлаш мақсадига миллий криптография ҳимоя воситалари ўрнатилди.

Муҳтарам Президентимизнинг 2026 йилдаги тегишли қарорлари асосида Рақамли технологиялар бош бошқармаси, Сунъий интеллект технологиялари департаменти ва Киберхавфсизлик лабораторияси каби янги бўлиnmалар ташкил этилди.

Ҳар қандай замонавий қуroll, агар уни бошқараётган инсоннинг руҳияти мустаҳкам бўлмаса, самара бермайди. Миллий армиямизда маънавий-руҳий тайёргарликка берилаётган эътибор ватанпарварлик ҳиссини фақат шiorларда эмас, балки ҳар бир ҳарбий хизматчининг онгида шакллантиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Президенти — тинчликсевар сиёсат тарафдори. Биз ҳеч кимга таҳдид қилмаймиз, ҳеч кимнинг ерига кўз тикилмайди. Аммо Президентимиз таъкидлаганидек, “**Тинчликни сақлаш учун ҳар сонияда урушга тайёр туриш керак**”. Айнан мана шу сиёсат натижасида Ўзбекистон армияси халқаро рейтингларда (Global Firepower) Марказий Осиёда биринчи ва дунёнинг энг кучли армиялари қаторидан муносиб ўрин олди. Халқаро армия ўйинларидаги (AgM) муваффақиятларимиз дунё ҳарбий экспертларини лол қолдирмоқда. Ўзбекистон Миллий Армияси бугун минтақавий барқарорлик кафолати, миллий гурур манбаидир.

Мудофаа саноатининг маҳаллийлаштирилиши эса давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий суверенитетини янада мустаҳкамламоқда. Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги ислохотлари “Меҳнат ва ақл билан ҳурмат қозонамиз” тамойилига асосланган бўлиб, у мутлақо мудофаа характериға эга. Ислохотлар самараси шунки кўрсатадики, Ўзбекистон ўз сарҳадларини ҳар қандай ташқи таҳдиддан ҳимоя қилишга қодир қудратли армияга эга бўлди. Рақамлаштириш, интеллектуал салоҳият ва юқори технологик қуrollланиш — бу ушлик Янги Ўзбекистон армиясининг қиёфасини белгилаб бермоқда ва минтақавий барқарорликнинг асосий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Дунёнинг геосийёсий харитасида кескин ўзгаришлар юз бераётган, халқаро ҳуқуқ меъёрилари занфлашиб, қуrollланиш пойғаси янги босқичга чиққан бир даврда, Ўзбекистон ўз мудофаа стратегиясини тубдан янгилamoқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг соҳа бўйича белгилаб берган янги вазифалари шунки кўрсатадики, замонавий армия энди нафақат жисмоний куч, балки юқори технологиялар ва кучли ижтимоий институтлар мажмуига айланмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, танк ва самолётлар сонига таяниш даври ўтди. Бугунги кунда жанг майдонида сунъий интеллект, кибер-технологиялар ва масофавий бошқарув тизимлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбекистоннинг проактив шж режимиға ўтиши бу — таҳдид келганда эмас, балки у ҳали шаклланмасдан туриб чора кўриш, потенциал хатарларни рақамли таҳлил орқали прогноз қилиш демокдир. Бу армиянинг нафақат қуrollланишини, балки уни бошқараётган шахсий таркибининг дунёқарашини ҳам ўзгартаришини талаб қилади.

Энг катта инқилобий ўзгаришлардан бири — муддатли ҳарбий хизматнинг ижтимоий моҳиятини ўзгартаришдир. Эндиликда армия ёшлар учун йўқотилган бир йил эмас, балки шахс бўлиб шаклланиш мавсумига айланмоқда. Ҳарбий қисмларда 3-6 ойлик касбга тайёрлаш курсларининг жорий этилиши аскарнинг уйга сертификатланган мутахассис бўлиб қайтишини таъминлайди. Бу меҳнат бозоридagi ишсизлик муаммосини ҳал қилишда ҳам муҳим омилдир.

Шу билан бирга, қуrollи кучларда АТ-авлодни шакллантириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион СИ етакчиси” лойиҳаларига ҳар йили 5 минг аскарнинг жалб қилиниши бу — давлатнинг келажақдаги рақамли иқтисодиёти учун кучли захира яратиш демокдир. Ҳарбий қисмининг ўзида олийгоҳга кириш имтиҳонларини топишари ва талабалikka қабул қилиниши билан хизматдан сўнг даврро ўқиниши бошлаш тизими ёшларнинг вақтини тежайди ва уларнинг илмий салоҳиятини оширади.


Бундан ташқари, 2026 йил май ойидан бошлаб, Президентимизнинг қарорлари билан муддатли ҳарбий хизматчилар учун бир қатор имтиёз ва кафолатлар берилди.

Аскарларимиз учун ҳудудий техникумлар билан ҳарморликда “Битта аскар — битта касб” тамойилида 3-6 ойлик ўқув курслари ташкил этилди ва курсларни тамомлаганларга давлат намунасидаги сертификатлар бериш тизими йўлга қўйилди.

Армиядан қайтган ёшлар учун давлат тақлиф этаётган имтиёзлар пакети (фоизсиз таълим кредитлари, тадбиркорлик учун имтиёзли кредитлар, давлат хизматига киришдаги қўшимча баллар) уларнинг жамиятга тезкорлик билан интеграциялашувига ва иқтисодий фаол қатламга айланишига хизмат қилади.

Армияни ёшлар учун ҳақиқий ҳаёт мактабига айлантириш орқали мамлакатнинг инсон капиталини бойитиш кўзда тутилди. Бу ислохотлар натижасида “муддатли ҳарбий хизмат” тушунчаси ўз мазмунини ўзгартириб, нафақат Ватанини ҳимоя қилиш мажбурияти, балки ёшлар учун порлоқ келажакни куриш имкониятига айланмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, тинчлик — энг олий неъмат, уни асраш эса фақатгина кучли ва ақли бўлиш орқали амалга ошади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида бошланган ишлар энди мутлақ янги сифат босқичига кўтарилиб, Қуrollи Кучларнинг янги, модернизация қилинган ўт оқини тизимлари ва техника билан таъминлаш ҳарбий ҳаракатлар театри хусусиятларини, қўшинларни ривоклантиришнинг ус-тувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда давом эттирилди. Умуман олганда, ҳарбий қурилиш соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини баҳолаб, мамлакатимиз мустақиллиги ва хавфсизлигининг кафолати — халқимизнинг тинч ҳаётини таъминлашга қодир миллий Қуrollи Кучлар шакллантирилган таъкидлашга тўла ҳаққимиз. Шоир айтганидек, “Ишончли қўлдадир Ватан тақдири!”.



Салим ДОНИЁРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

Бошланиши 1-бетда

Ислохотларнинг ҳаётбахш сири

Тошкент катта ҳалқа йўлидан келиб, яйдоқ далани иккига бўлиб ўтган йўлдан ичкарилади. Саратоннинг чилласида кун чошгоҳ бўлганига қарамай, ёқимли шабада эсади. Кенгликни кўриб кўзингиз қувнайди. Беҳтиёр танга роҳат берадиган об-ҳаводан завқ олиб, йўл юриш истаги туғилади. Йўлда ҳикмат кўп. У инсонни тоблайди. Янги манзиллар сари бошлайди. Шу билан бирга, ҳақиқий дўстлар ҳам йўлда — унинг синовлари чоғида топилади. Аини жиҳат сабабли ҳам йўл қадрлидир.

Тошкент — Самарқанд пуллик муқобил автомобиль йўлининг старт олган нуқтасида туриб, қалбимизни ажиб туйғулар эгаллади. Шунингдек, тарихда асрлар оша халқларга хизмат қиладиган йўлга асос солган шахслар ҳақида ўйлади. Улар саноклигига экан! Халқ ва келажакка муносиб йирик лойиҳага бош бўлиш учна-мунча кишига насиб этавермас экан-да!

Сўнг беҳтиёр “Темур тузуклари” китобидаги куйидаги сўзлар ёдга тушди: “Амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар курсинлар, бузилган кўприкларни тузатишлар, ариқлар ва дарёлар устига янги кўприклар курсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар курсинлар.



Йўлларга кузатувчи ва соқчилар кўйсинлар, ҳар бир раббатга бир неча одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини қафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликларнинг вазифаси ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин”.

Яна ўйлаб қоламиз. Дунёда яна қанча давлат раҳбарлари Темур бобомиз каби фармонлар берган экан-а? Аниқ билмаймиз. Лекин улардан санокли шахсларгагина гоёсини ҳаётини ҳақиқатга айлантириш насиб этган. Ана шундай ҳаёллар мамлакатимизнинг бүгүни ҳақида мушоҳада юритишга ундайди.

Ўтган қисқа даврда мамлакатимизда ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИга асос солинди. Олдимизга жуда катта марраларни кўйиб, ана шу чўққи сари дадил бормоқдамиз. Бу нафақат ўзбекистонликлар, балки бутун Марказий Осиёни бирлаштирди.

Шу ўринда кичик мулоҳаза. Йирик тошни болга билан уриб ҳам қумдай майдалаш мумкин. Буни билганда кучи бор исталган киши эплай олади. Аммо зарарни бирлаштириб, бир бутун қилиш машаққатини ҳамма ҳам зиммасига олавермайди. Турли миллат ва элатдан иборат мамлакатни бир мақсад атрофида бирлаштириш, ягона халқ, бир бутун ватан қилиб шакллантириш ҳам ана шундай машаққатли, учна-мунча киши уудалай олмайдиган вазифа.

Бу ишни ҳақиқий етакчиларгина эплай олади. Аини ҳақиқатда уч минг йиллик давлатчилигимиз тарихида кўп бора тўвоҳ бўлди.

Янги Ўзбекистонда бошланган янги-ланишлар халқимизни бирлаштира олгани билан ҳам катта тарихий воқеалиқдир. Унинг нечоғлиқ машаққатли юмуш эканини эса мазкур иш бошини тутганлар каби ҳеч ким билмайди, ҳис эта олмайд. Аммо битта инкор этиб бўлмас ҳақиқатни барчамиз яхши англаймиз. Ўқилдиздан қувват олиш яшовчанлигини оширади. Ислохотларнинг ҳаётбахшлигининг сири ҳам шунда. Янги

тарихий илдишларимизни замонавий келажак қондаларига, унинг талаб ва тақлифларига муносиб тарзда давом эттиряпмиз.

Биз босиб ўтаётган йўлни таҳлил этган киши Амир Темур бобомиз тузукларида келтирилган ҳолатга жуда ўхшаш вазиятни кузатади. Масалан, сўнгги йилларда қаровсиз ерлар обод қилинди. Худди Темур салтанатида бўлгани каби сувсиз жойларга коризлар қурилди. Қувурлар тортилиб, ариқлар бетон қилиниб, сув олиб чиқилди. Бузилган кўприклар тузатилиб, янгилари барпо этилди. Йўл устидаги ҳар манзилгоҳда работлар бунёд этилмоқда. Бунни қурилиши бошланган пуллик муқобил йўл мисолида олиб кўрсак. Мазкур йўл бўйида логистика марказлари, омборлар, саноат ва агро саноат корхоналари, савдо-сервис, меҳмонхона ва туризм объектлари қурилади.

Тарихдан маълум — бундай карвонсаройлар савдо, иқтисоднинг қон томирига айланиб, халқнинг фаровонлигига хизмат қилади. Ана шу тўқиниликнинг яна бир илдиши эса тинчлик ва хотиржамликда. Шу боис, янги қурилаётган йўлда хавфсизлик масаласига жиддий қаралмоқда.

Бу кунларга осонликча етиб келмадик

Сўзимиз аввалида Янги Ўзбекистон йўлига асос солингани ҳақида айтган эдик. Мамлакатимиз тараққиёт йўли, бунёдкорлигидаги мулқак янги босқич, замонавий йўл мисолида кейинги йиллардаги ютуқларимизнинг айримларини таҳлил этсак.

Биринчидан, мамлакатимизда иқтисодий қувватларни оширишга жиддий эътибор қаратилди. Тадбиркорларга ҳақиқий маънода имкониятлар пакети яратиб берилди. Уларга мамлакатнинг таянч устунларидан бири дея қараш шаклланди. Бунга қонунларни замон талабига мослаш ва уларга амал қилишни қатъий белгилаш орқали эришилди.

Иккинчидан, халқни рози қилиш йўлидаги давлат сиёсати ва жамиятни юксалтириш ҳаракатлари моддий қувватни маънавий қудрат билан бирлаштирди. Ҳаётимизга ижтимоий масъулият деган атамга кириб келди. На-фақат кириб келди, балки фаолиятимизнинг бир қисмига айланди.

Учинчидан, аини вазиятни жиддий, зарурат бўлганида танқидий таҳлил этиб, янада баланд марраларни олишда изчилликка эришилмоқда. Шу орқали ҳозиргидай тез ўзгарувчан мураккаб геосиёсий ва иқтисодий



8 фоиш, хизматларда 16,9 фоиш, қурилишда 13,8 фоиш, қишлоқ ҳўжалигида 4,7 фоиш ўсиш таъминланди. Инвестициялар ҳажми 28 миллиард долларга, экспорт 14,4 миллиард долларга етди. Бу кўрсаткичлар бежиз эмас. Ахир ҳозир олиш қишлоқ ва овуллардаги тадбиркорлар ўз маҳсулотини тўғридан тўғри хориж бозорига чиқаряпти.

Ютуқларимиз ҳаққоний ва ҳаётий бўлгани учун ҳам халқро даражада тан олинмоқда. Масалан, “Fitch” ва “Moody’s” халқро рейтинг агентликлари мамлакатимиз суверен кредит рейтингини бир поғона яхшилади. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистонга ишонч билдирилатганини кўрсатади. Мазкур ишончнинг аҳамияти шундаки, мамлакатимизга хорижлик сармоядорларнинг қизиқиши янада кучаяди. Маболаг олиб келиш имкониятимиз кенгайди.

Муҳими, яширин иқтисодиёт учун жазо чораси ҳам енгиллаштирилди. Ҳатто имтиёзли равишда рўйхатга олиш ва қонуний фаолият учун йўл-йўриқ кўрсатилиб, зарур ёрдамлар берилмоқда. Натияжада жамиятимизда эртанги кунга ишонч ортиб, тадбиркорларимиз ватан тараққиёти йўлида бирлашмоқда.

Ижтимоий масъулият кучи

Юқорида ҳаётимизга ижтимоий масъулият деган ибора кириб келганини айтган эдик. Аслида, бу жуда қувончли ҳолат. Унинг ўзини алоҳида бир мақола сифатида таҳлил қилиш мумкин. Чунки ижтимоий масъулият жамиятда бирдамликни, аҳилликни шакллантирадиган катта куч.

Аини ўринда яқин тарихимизга назар ташласак. Халқимизни ичидан бўлиб, уни осон бошқариш учун бойларни ёмонлаб кўрсатиш ҳолати бўлган. Биз бир асрдан кўп вақт мобайнида бойларимизни ёмон кўриб яшадик. Янги Ўзбекистон нафаси кириб келгач, ҳақиқий мулк дахлсизлигини ҳис этиб, тадбиркорларимиз ҳам эмин-эркин иш юритадиган бўлди.

Ана шу ўзгаришлар фонида тадбиркорларнинг дунёқарашини ҳам ўзгарди. Улар ўз ихтиёри билан маҳалласини обод қилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўмак берадиган шахсларга айланди. Янги ижтимоий масъулиятни илмий атамга деб эмас, ҳаётий зарурат сифатида қабул қилиш бошланди. Бу ҳолат эса жамиятимизда бир ватан, ягона халқ бўлиб яшаш руҳини уйғотди, кучайтирди.

Таъкидлаганимиздек, тараққиёт бир жойда тўхтаб турмайди. Аиникса, ҳозиргидек тез ўзгарувчан даврда бу янада долзарблик касб этади. Шу маънода, юртимизда барча соҳадаги кўрсаткичлар вақти-вақти билан таҳлил этилиб, янги режалар белгилаб олинмоқда.

Масалан, Президентимиз раислигида худуд ва тармоқларда ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ва йил якунигача амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеосектор йиғилишида иқтисодий кўрсаткичлар танқидий таҳлил қилинди. Бу бежиз эмас. Ҳозирги давр ютуқларни маҳкам ушлаб, янада баланд марраларни кўзлаб ҳаракат қилишни талаб этмоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбари 40 миллионлик аҳолимиз ҳаётини яхшилаш учун 9-10 фоишли иқтисодий ўсиш заруриятини таъкидлади. Бунинг учун худуд ва тармоқ раҳбарлари мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиши, ҳар бир лойиҳа ва ҳар бир корхона бўйича аниқ натижага ишлаш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Бунни бежиз эсламадик. Тамал тоши қўйилган муқобил пуллик йўл Ўзбекистон ўз тараққиётининг буткул янгича босқичига кўтарилганини аңглатади. Масалан, Тошкент-дана Самарқандга етиб бориш вақти ҳозирги 5 соатдан 2,5 соатга қисқаради. Аини рақам тадбиркор учун жуда муҳим. У маҳсулотини тез, осон ва хавфсиз йўлдан кўзланган

манзилига осон еткази олиш имконига эга бўлади. Йўллардаги логистика марказлари каби муҳим нуқталар эса бу ишдаги самарадорликни янада оширади.

Ўрни келганда айтиш зарур, бу фақат Тошкент билан Самарқандни боғлайдиган йўл эмас. Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари учун ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эга. Аини дамда Самарқанд орқали ўтиладиган Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари аҳлининг ҳам пойтахтга етиб келишини тезлаштиради. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилояти аҳли учун ҳам ана шундай енгилликларни беради. Бугун биз осонгина айтаётган раvon йўлларга етиб келишимизда кўп машаққатли дамлар бўлган.

— Бир пайлар қўшнилар билан муносабатимиз ёмонлашди. Бу ҳаммага бирдек зарар эди. Йўллар ёпилиди. Экспорт-импорт масаласи мураккаб вазиятга айланди, — дейди йўл қурилиш соҳаси меҳнат фахрийси Муродулло Абдуллаев. — Ҳурматли Президентимиз фаолият бошлагач, ҳаммаси ўзгарди. Дастлаб яхши кўшилишчи аъёналарни тикланди. Сўнг йўлларимиз очилди. Шу соҳани ахши билган инсон сифатида айта оламаник, бир метр йўл қуришини ўзи бўлмайди. Бир пайлар аризма жойларни таъмирлаш учун ҳам идорамандора сарсон бўларди. Бугун мамлакатимизда соҳага катта маболаг ажратилипти. Давлатимиз раҳбарининг ўзи назоратга олиб, йўлларни раvon қилипти. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг хабиға айланмоқда. Халқимиз нега кўзи қувониб, хурсанд бўлиб юрибди! Йўли текис, иши унумли бўлгани учун-да!

Нурафшон. 35 йиллик орзу

2022 йил адоғи. Нурафшон шаҳрида “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари кунларини ўтказган эдик. Ушанда Нурафшондаги Ёшлар марказига Тошкент йўли кўчаси бўйлаб бораётиб, ҳамкасбларимиздан бири йўлнинг ўнг томониға ишора қилиб, “Мана шу кенгликда янги, “ақли” шаҳар қурилади”, дегани ёдима.

2026 йил 22 июль. Ҳаш-наш дегунча ордан тўрт йил ўтибди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Нурафшонга ташрифи муносабати билан яна ушбу шаҳар томон йўл



олдик. Қурилишга старт берилган йўл ҳақида таассуротларимиз қориниш ҳолда тўрт йил олдинги кўча тасвирига эга тушди. Тошкент йўли кўчаси бўйлаб олиб бораётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳисобига бугун кўча қандай кўринишга келганини тасаввур қилишга уринаман.

Бир пайт автоулов шиналаридан келаётган шувиллаган овоз бирдан тинади, ҳаракати равошлашди. Ташқарига қарайман: кенг ва раvon кўча, йўлнинг икки томони бог. Ўнг томонда Нурафшон сўзи туширилган баланд стела. Демак, “нур сочувчи”, “зиё тарқатувчи” шаҳар — Нурафшонга етиб келдик.

Кўча аввал кўрганимдан буткул ўзгарибди, боя тасаввур қилганимдан анча гўзал, файзли. Олти тасмали йўл бўйлаб қад ростлаган Ижтимоий ҳимоя мажмуаси каби қатор муҳташам биналар, замонавий кўп қаватли уйлар, очиги, одамнинг ҳавасини келтирадиган манзара. Аини кезде мамлакатимизда кейинги ўн йилда қурилиш соҳаси, шу жумладан, шаҳарсозлик бўйича катта мақтаб яратилгани, асосийси, янги авлод қурувчиларимизнинг азму шижоати билан барпо этилаётган янги-янги мавзе ва шаҳарлар юртдошларимиз фаровонлигига хизмат қиляётганини ўйлаб, қалбимиз фахру ифтихорга тўлади.

Ҳайдовчи кейинги чорраҳадан ўнгга бурилишини айтади. Ҳа, бу ўша, тўрт йил олдин ҳамкасбим ишора қилиб кўрсатган манзил. Ҳозир бу жой қандай кўринишда экан деган савол хаёлимдан ўтиши ҳамон келган йўлимиздан ҳам кенг ва раvon кўчага тушдик. Бояги саволлар ўрнини ҳайрат ва ҳавас эгаллади. Кўча бўйлаб Президент мактаби, университет, вилоят ташкилотларининг муҳташам биналари, кўп қаватли турар жойлар қад ростлаган. “Ватанпарвар боғи”, матонатли ўзбек аёли Зулфия Зокирова хотирасига ўрнатилган ёдгорлик мажмуаси, хиёбонлар, сўнъий кўл, амфитеатр ва фаворалар, кенг яшил ҳудудлар, велосипед ҳамда пиёдалар йўлаклари бу файзли гўшаға янада тароват бағишлаган. Уларни кўриб ҳавас қилмай, гурурланмай бўладими?! Ахир тўрт йил илгари бу ерлар бийдай яйдоқ жой эди. Қаранг, шунча қисқа вақтда вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга катта ечим бериш осон эмас. Бу жуда катта маболаг, меҳнат ва сабот талаб қилади. Ана шу жараҳда бутун бошли шаҳар бунёд этиш — **АСЛ ҚАҲРАМОНЛИК!**

Вилоятнинг буткул янгича қиёфаға кирган маъмурий марказига ҳавас ва ҳайрат ила боқар эканмиз, Самарқандгача қуриладиган янги муқобил йўл, унинг атрофидаги инфратузилмани бунёд этишдаги шижоатини бежиз эмаслигига яна бир қарра амин бўламиз. Ахир беш-олти йил олдинги ҳолат билан таққослаганда, ҳозирги кунлар эртакка ўхшайди.

Аини ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратсак. Нурафшон мамлакатимизда “ақли шаҳар” модели асосида барпо этилаётган биринчи шаҳардир. Унда рақамли бошқарув, интеллектуал транспорт, энергия тежамкор технологиялар, маданий масканлар ва

маъмурий марказига ҳавас ва ҳайрат ила боқар эканмиз, Самарқандгача қуриладиган янги муқобил йўл, унинг атрофидаги инфратузилмани бунёд этишдаги шижоатини бежиз эмаслигига яна бир қарра амин бўламиз. Ахир беш-олти йил олдинги ҳолат билан таққослаганда, ҳозирги кунлар эртакка ўхшайди.

Аини ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратсак. Нурафшон мамлакатимизда “ақли шаҳар” модели асосида барпо этилаётган биринчи шаҳардир. Унда рақамли бошқарув, интеллектуал транспорт, энергия тежамкор технологиялар, маданий масканлар ва

маъмурий марказига ҳавас ва ҳайрат ила боқар эканмиз, Самарқандгача қуриладиган янги муқобил йўл, унинг атрофидаги инфратузилмани бунёд этишдаги шижоатини бежиз эмаслигига яна бир қарра амин бўламиз. Ахир беш-олти йил олдинги ҳолат билан таққослаганда, ҳозирги кунлар эртакка ўхшайди.

Аини ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратсак. Нурафшон мамлакатимизда “ақли шаҳар” модели асосида барпо этилаётган биринчи шаҳардир. Унда рақамли бошқарув, интеллектуал транспорт, энергия тежамкор технологиялар, маданий масканлар ва

маъмурий марказига ҳавас ва ҳайрат ила боқар эканмиз, Самарқандгача қуриладиган янги муқобил йўл, унинг атрофидаги инфратузилмани бунёд этишдаги шижоатини бежиз эмаслигига яна бир қарра амин бўламиз. Ахир беш-олти йил олдинги ҳолат билан таққослаганда, ҳозирги кунлар эртакка ўхшайди.

Аини ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратсак. Нурафшон мамлакатимизда “ақли шаҳар” модели асосида барпо этилаётган биринчи шаҳардир. Унда рақамли бошқарув, интеллектуал транспорт, энергия тежамкор технологиялар, маданий масканлар ва

Юқорида таъкидлаганимиздек, аждодларга муносиб ворис сифатида Янги Ўзбекистонни бунёд этмоқдамиз. Буни Нурафшоннинг “ақли шаҳар” макomini олаётганида ҳам кўришимиз мумкин. Ташриф чоғида Келажак технологиялари марказига ҳам тамал тоши қўйилди. Мажмуа сўнъий интеллект ва рақамлаштириш борасида бутун мамлакатга хизмат қиладиган марказ бўлади. Тасаввур қиляпсизми, яқин-яқингача эътибордан четда бўлган худуд бутун катта шаҳарга, мамлакатнинг стратегик марказларидан бирига айланди.

Нурафшонликлар юз-кўзидаги мамнуният, фахр ва ифтихорнинг тўб замирида ҳам ана шу ислохотлар бор. Бунга “Янги Ўзбекистон” боғида мамлакатимиз раҳбарининг вилоят жамоатчилиги билан тантанали учрашуви чоғида яна бир бор гувоҳ бўлдик. Ушбу файзли богдаги муҳитни, инсонлар юз-кўзидаги қувончни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Уни фақат ҳис этиш мумкин.

Нуронийлар, вилоят фаоллари, ёшлар, қўйиники, тантанали тадбирнинг барча-барча иштирокчилари юзидан ҳаётдан розилик, эртанги кунига ишонч туйғулари балқийди. Ана шу шукроналик, қатъий ишонч порлаётган минглаб нигоҳларга боқиб, бир ҳақиқатни англайсиз: бу қарашлардаги улғуворлик, қатъият фақатгина янги шаҳар бунёд этилиши билан боғлиқ эмас. Бу — инсон қадрини улғулашга йўғрилган Янги Ўзбекистон ислохотларининг ортага қайтмаслиги, халқимиз Лидери бошчилигида кўлга киритилаётган ютуқ ва тарихий натижаларимиз бардавом бўлишига қатъий ишонч ҳосиласидир.

Меъзонлардан бирини сўхбатга чорладик: — Тошкент вилояти катта салоҳият, чексиз имкониятларга эга. Республика ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоиши вилоят ҳиссасига тўғри келиши ҳам бунни тасдиқлайди. Маъмурий марказ — Нурафшон шаҳри ҳам шунга мос барпо этилаётган экан. Маҳобати-га, “ақли” ечимларига ҳавас қилдик.

Нимасини айтасиз, шундай катта вилоятнинг маъмурий маркази йўқ эди, — дейди меъзон. — Илгари кўпчилик юртдошимиз “прописка”дан азоб чекиб, бизга ҳавас қилишини айтарди. Аслида, бундан энг кўп Тошкент вилояти аҳли қийналган.

Нигоҳимдан “қанақасинга”, деган саволни уқди чоғи, оғиз жуфтламасидан изох бошлайди.

— Масалан, Самарқанд ёки қашқадарёлик бир инсон яхши ниёт билан ўй оламан деб Тошкентга келиди. “Прописка”си йўқлиги учун ўй ололмаслигини билгач, қайтиб кетади. Бу ерда нима муҳим, биласизми?

Жавоб беришимизни қутмасдан фикрини давом эттиради:

— Унда келган жойига қайтиб бориб, вилоят марказидан ўй олиш имкони, яъни танлов бор. Бекобод ёки Оҳангаронини кўя туринг, шундоққина Ўрта Чирчиқнинг бир қишлоғида яшаган одам шаҳарга кўчиб боришни режа қилса-у, у ҳам “прописка”си тўфайли пойтахтдан ўй ололмаслигини билса, айтинг, қаерга боради? Ҳа, афсуски, бизда шундай бўлган. Ҳозир бу масала ҳаммамиз учун ўтмишда қолди. Лекин барибир вилоятнинг ўз маъмурий маркази бўлгани яхши-да. Чунки бу жиҳат фақатгина ўй билан боғлиқмас. Тошкент вилоятининг тиббиётидан тортиб, давлат идораларигача, барчаси ҳар томонда эди.

Шу пайт “Янги Ўзбекистон” боғига мамлакатимиз етакчисини кириб келди, йиғилганларни самимий қутлади.

— Бу ердаги ҳар бир корхона, ҳар бир кўча ва майдон, янги ҳаёт ва хиёбон серғайрат, меҳнаткаш ва фидойи вилоят аҳли билан биргакидаги ишларимизнинг натижасидир, — деди Президентимиз.

Дарҳақиқат, бутун барчамиз ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратяпмиз. Шу ўринда бир ҳақиқатни таъкидлашни истардик. Жамиятни бирлаштириб, мамлакатни тараққиётга бошлагани кучли шахсларгина уудалай олади. Ислохотчи бўлиш инсондан ҳар жиҳатдан юксак салоҳият, эртанги кунни олдиндан кўриб, тезкор ва тўғри қарор қабул қила олишдаги фазилатлар талаб этади. Аини сабаб тўфайли ташқаридан қараганда **КАТТА ВА БУЮК ИСЛОХОТЧИ** сифатида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев катта марраларни осонгина забат этаётгандай кўринади. Унинг уйку-сиз тунлари, оромсиз кунлардаги машаққатини эса фақат тасаввур қилиш, бир оз ҳис этиш мумкин, ҳолов.

Яна бир гап. Юқорида бунёдкорлик, тадбиркорлик, ижтимоий янгилашларни фалсафаси ҳақида сўз юритдик. Энди эса юртимиздаги бу каби ўзгаришлар силсиласи халқимизни яна бир эзгу мақсад сари чорлай бошлагани ҳақида айтмоқчимиз.

Бу ерда гап ободлик ҳаракати тўғрисида. Маънавий меросимизда “Ободлашмоқ” сўзи бор. У тобора обод бўлиб бормоқ маъносини аңглатади. Кейинги йилларда топган яна бир ҳақиқатимиз ҳаётимизга, турмуш тарзимизга, умуман, хоҳиш-истакларимизга жўр бўлаётган ободлик руҳидир.

Бизнинг заминда азал-азалдан рўзгорни озода тутиш, киши ўзи яшаётган атроф-муҳитни саришта сақлаш, табиат неъматларини асраб-авайлаш, уларни қадрлаш каби тарбия муҳити шаклланиб келган.

Бугун мана шу тарбия мактаби ўзининг янада гўзал қиёфаси билан қайта оз очмоқда. Бу ҳолнинг боиси нимада?

Гап шундаки, кейинги йилларда юртимизда кузатилаётган кенг миқёсли ислохотлар, аввало, маҳаллаларда, чекка-чекка қишлоқ ва овулларда бўй кўрсатмоқда. Бунини одамлар ўз ҳаётида сезяпти. Аслида ҳаётнинг энг гўзал неъматлари фақат тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурган заминдагина ўз хислатини намоён этади. Шу боис, бугун мамлакатимизда ҳукм суратган барқарор тараққиёт муҳитида халқимиз яна ободлик муҳитига қайтди. Шунинг ўзи биз орзу қилган фаровонлик жамиятининг ёруғ муқдаси эмасми?!

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, катта йўлга тушган улкан қарвон — Янги Ўзбекистоннинг мураккаб геосиёсий жараёнлардаги ютуқлари замирида ана шундай ҳаётий ҳақиқатлар бор!



Муаллифнинг ўзига хос услуби — тарихий мисоллар, сиёсий таҳлил ва ҳаётий кузатувларни бирлаштирган ҳолда янги Ўзбекистоннинг бугуни ва истиқболига оид тарихий воқеликларни содда, раван тилда баён қилиши китобнинг кенг китобхонлар оммасига манзур бўлишига хизмат қилади.

Нуқтаи назар

Янги Ўзбекистондаги Улуғвор уйғониш насимлари тараннуми

НИГОХ

5

2026 йил 24 июль, 149-сон



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий
маркази директори, академик

Бошланиши 1-бетда

Шу нуқтаи назардан қараганда, “Миллат Шавкати” асари сўнгги икки йилда чоп этилган 12 публицистик мақоланинг шунчаки бир йиғиндиси эмас, балки янги Ўзбекистонда кечаётган кенг қамровли, шиддатли ва тизимли ислохотларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-фалсафий ва маънавий-маданий мазмунини англашга хизмат қилувчи яхлит ҳамда салмоқли таҳлилий мазмундаги тўпламидир.

Гап шундаки, биз муаллифнинг еттинчи китоби тақдиротида иштирок этдик ва бу асарларнинг барчаси сиёсий публицистика жанрига мансуб.

Сиёсий публицистиканинг хусусиятлари нималардан иборат?

Сиёсий публицистиканинг асосий ўзига хос хусусиятлари:

- унинг давр билан ҳамнафаслиги, яъни долзарблиги;
- оммавийлиги ва таъсирчанлиги;
- замон руҳи акс эттирилиши;
- шахсий ва тарихий таҳрибанинг умумлаштирилиши;
- шахсий муносабатнинг очик билдирилишида намоён бўлади.

Сиёсий публицистика жанрида ижтимоий-сиёсий воқеалар шунчаки баён қилинмайди, балки уларга баҳо берилади. Шу йўл билан сиёсий публицистика жамоатчилик фикрини тизимли шакллантиришга хизмат қилади.

Сиёсий публицистиканинг қўйидаги 4 та асосий хусусиятини мухтасар таҳлил қилиб кўрамиз.

Биринчи хусусияти — ижтимоий-сиёсий долзарблик. Бу ўринда, аввало, тежорлик омилига эътибор қаратиш лозим. Негаки, сиёсий публицистика орқали муаллиф жамиятдаги энг муҳим ва янги сиёсий жараёнларга зудлик билан муносабат билдиради. Сиёсий публицистиканинг ижтимоий аҳамияти ҳам муҳим бўлиб, у шахсий муаммоларни эмас, бутун жамият ёки давлат манфаатларига дахлдор мавзуларни кўтариб чиқади.

Иккинчи хусусияти — экспрессивлик ва таъсирчанлик. Бунда, даставвал, сиёсий публицистиканинг эмоционал жиҳатдан таъсирчанлиги назарда тутилмоқда. Негаки, муаллиф аини жанрда ўз позициясини ҳис-туйғулар, кескин танқид ёки кучли манتيкий аргументлар орқали ифодалайди. Сиёсий публицистиканинг даъваткорлиги ҳам эътиборга лойиқ, у оммани муайян сиёсий ғоя атрофида бирлашишга, ислохотларни қўллаб-қувватлашга ёки ноҳақликка қарши туришга чақиради.

Учинчи хусусияти — тил ва услуб ранг-баранглиги. Хусусан, сиёсий терминологиядан унумли фойдаланилган ҳолда матнда дипломатик, ҳуқуқий ва сиёсий атамалар фаол қўлланади. Айни чоғда бадийлик ва мажозийлик ҳам эътибордан четда қолмайди. Сиёсий публицистикада фикрни халқчил ва тушунарли қилиш учун халқ мақоллари, тарихий шахслар ҳаётидан мисоллар, ўхшатиш ва кинолардан самарали фойдаланилади.

Тўртинчи хусусияти — субъективлик ва очиклик. Сиёсий публицистикада муаллиф позицияси ёрқин кўринади. Сиёсий публицист воқеалар ортига яширинмайди, аксинча, унинг “мен”и, сиёсий қарашлари ва дунёқарashi матнда яққол сезилиб туради. Бундан ташқари, таҳлилий ёндашув чуқур ва қамровдор бўлиб, воқеаларнинг сабаб ва оқибатлари таҳлил қилинади ҳамда келажакдаги сиёсий прогнозлар илгари сурилади.

Бешинчи хусусияти — сиёсий публицистика замон руҳига ҳамоҳанглиги ва башорат қилиш лаёқати билан ҳам ажралаиб туради.

Китоб Қудратилла Рафиқовнинг сўнгги 6 йилда чоп эттирган 6 та асарининг мантйкий давомидир. У муаллифнинг 2024-2026 йилларда йирик даврий нашрларда эълон

қилинган ҳамда кенг жамоатчилик муҳока-масига сабаб бўлган шов-шувли мақоласига асосланган.

Бу китобда муаллифнинг кенг мушоҳада, чуқур таҳлил ва ҳаётий кузатувларга асосланган публицистик мақолалари жамланган, улар ўқувчини янги Ўзбекистоннинг бугуни ва эртаси ҳақида мустақил фикр юритишга ундайди. Асарнинг бош ғояси шундан иборатки, мамлакат тақдирини ҳар бир фуқаронининг шахсий масъулияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Муаллиф давлат қурилишини фақат инфратузилма ёки иқтисодий ўзгаришлар эмас, балки инсон тафаккури ва дунёқарашининг ўзгариши билан боғлайди. Китобдан 12 мақола жой олган ва дастлабки мақолаларда Тошкент шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари мисолида ташқи қиёфа ортида жамият руҳияти ва миллий ўзлигини англаш жараёни таҳлил қилинади. Бунда ёндашув жаҳон сиёсатшунослигидаги “Nation building”, яъни “миллат қурилиши” назарияси билан ҳамоҳангдир.

Илмий-назарий жиҳатдан таъриф берадиган бўлсак, “Nation building” (“миллат қурилиши”) тарқоқ ижтимоий ғуруҳлар, қабиалар ёки этник жамиятларни ягона, барқарор ва мустақил сиёсий тизим (давлат)га бирлаштириш жараёнидир.

Бу назариянинг асосий мақсадлари: биринчидан, миллий ўзлигини яратиш, шу мақсадда аҳолида муайян давлатга тегишлилик туйғусини шакллантириш;

иккинчидан, ижтимоий жипсликка эришиш учун тил, маданият ва умумий қадриятлар орқали ички низоларнинг олдини олиш; учинчидан, легитимликни, яъни давлат институтлари ва қонунларига нисбатан халқ ишончини таъминлашдан иборатдир.

Айни назарияни амалга ошириш воситаларига қўйидагилар киради:

- таълим тизими: ягона давлат тили, маданияти ва тарихини ўргатиш;
- рамзлар: давлат байроғи, герби, мадҳияси ва миллий байрамларни жорий этиш;
- инфратузилма: ҳудудларни иқтисодий ва транспорт жиҳатдан боғлаш.

Шу нуқтаи назардан, янги асарнинг муҳим жиҳати шундаки, муаллиф қамровдор ислохотларнинг ҳуқуқий ёки маъмурий жиҳатларини шунчаки такрорлашдек оддий баёнчилик услубига чалғиб ва



ўралашиб қолмайди. Аксинча, айни янгилишларнинг инсон онги, ижтимоий муносабатлар ва миллий ғурур шаклланишига таъсирини чуқур очиб беради. Бу, ўз навбатида, китобни нафақат ўтқир сиёсий публицистик асар, балки ноёб ижтимоий-фалсафий ва сиёсий-социологик тадқиқот сифатида ҳам муносиб баҳолаш имконини беради.

Бугунги кунда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси марказида “Инсон қадри учун” тамойили турганини яхши биламиз ва теран англаймиз. Мазкур китобда ҳам айнан инсон, унинг тафаккури, фуқаролик масъулияти ва Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани таҳсинга сазовор.

Муаллиф асар давомида мамлакатимиздаги қурилишлар, жамоат ташкилотлари фаолияти, меҳнат муносабатлари, миллий манфаат, фуқаролик жамияти ва давлат бошқарувидаги ўзгаришларни бир-бири билан боғлиқ жараён сифатида таҳлил қилади. Бу ўз-ўзидан китобнинг долзарблиги ва мавзулар бўйича яхлитлигини таъминлайди.

Шу маънода, китоб мамлакатимиздаги конституциявий ислохотлар, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий давлат қуриш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш каби устувор йўналишларнинг маънавий асосларини англашга ҳам хизмат қилади.



Айниқса, муаллифнинг халқ ва давлат ўртасидаги ишончини тараққийнинг асосий капитали сифатида талқин қилиши бугунги сиёсатшуносликда долзарб бўлган “ижтимоий капитал” назарияси билан ҳамоҳанг эканини таъкидлаш жоиз.


Ушбу назариянинг мазмун-моҳияти нимада?

Ижтимоий капитал жамиятдаги инсонлар, ғуруҳлар ва институтлар ўртасидаги ишонч, умумий қадриятлар ҳамда ижтимоий тармоқлар (алоқалар) тизими бўлиб, улар ҳамкорлики ва жамият ривожини таъминлайди.

Бугунги сиёсатшуносликда бу назария давлат бошқаруви самарадорлиги, демократия барқарорлиги ва иқтисодий ўсишни

Бир томондан, янги Ўзбекистон — пахта хомашёси етказиб берадиган қандайдир қарам ўлка эмас. Юртимизда “пахта — оқ олтин” деб ҳисобланмай қўйилганига анча муддат бўлди. Бугун воғга етаётган фарзандларимизнинг учтасидан бири ҳойнаҳой пах-

тар қандай китобнинг ҳақиқий қиймати у китобхонни ўйлашга, мушоҳада қилишга, баҳслашишга ва мустақил ҳулоса чиқаришга ундай олиши билан белгиланади. Бинобарин, “Миллат Шавкати” айнан шундай етук сиёсий-таҳлилий асарлар жумласидандир.



та нималигини билмаслиги тайин. Фалла ҳам миллий тимсолимиз эмас, донинг эҳтиёжimiz учун зарур қисминини бошқа давлатлар қатори четдан харид қиламиз.

Иккинчи томондан, пахта ва ғалла тасвирлари “ифтихоримиз рамзи” сифатида давлат гербига эски гербдан шундоққина кўчириб олинган даврда бугунги дориламон кунларга етажағимиз ҳам кўпчиликнинг тушига қирмаган бўлса керак. Нега деганда, ўша вақтларда 7 ёшдан 70 ёшгача ўзбекларнинг ҳаёти пахта даласида ўтган. Институт, техникум ва мактаблар тақа-тақ ёпилган, нафақат ўқувчи-талаба ва ўқитувчилар, балки барча ишчи-хизматчилар йиғим-теримга ялли сафарбар қилинган. Байрамлар, концерт ва тўйлар тўхтатиб қўйилган. Ойнаи ҳақон ва радийонинг санокли каналлари эртадан кечгача фақат “чевар қўллар” ҳамда “зангори пўлат этак”лар орқали терилган ҳосил микдори ҳақида гапирган...

Бугун ундай эмас. Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги, яъни пахта даласидан бошқа

ташвиши бўлмаган халқ эмас. Бугун янги Ўзбекистоннинг даври, ягона Ўзбекистон халқининг янгича замони келди. Бинобарин, ҳаммаси шунга мос равишда янги бўлганига не етсин?!

Яна бир алоҳида жиҳат: китобда Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда Марказий Осиё халқаро майдонда ўзига



инсонда буюк туйғу — ватанпарварлик бўлиши керак”.

Яна бир алоҳида жиҳат: китобда Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда Марказий Осиё халқаро майдонда ўзига

хос қиёфага эга минтақа ва алоҳида ҳуқуқий субъект мақомида намоён бўлаётгани теран талқин этилган. Муаллиф бу борада сўз юритар экан, АҚШ эксперти Женнифер Брик Муртазашвилининг қўйидаги фикрларини келтирган: “... Марказий Осиёни борица кўриш вақти келди. Бу энди постсовет худуди эмас. У Евроосиё. Мен Марказий Осиёга постсовет призмаси орқали қараб келинган деб ўйлайман, унга Евроосиё суперконтинентининг юраги сифатида қаралмади...”.

Китоб саҳифаларидан юртимиз касабаси уюшмалари фаолиятига оид мақолалар ҳам ўрин олгани бежиз эмас. Чунки айни вақтда Қ. Рафиқов Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ҳисобланади.

Айтмоқчимизки, муаллиф моҳир сиёсатчи сифатида фақат китоблар ёзиш билангина машғул эмас. Аксинча, Президентимиз юритаётган халқчил сиёсатни давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи тармоғи ва фуқаролик жамияти институтини тизимларидаги ўзининг амалий фаолияти билан изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Хусусан, Қ. Рафиқовнинг бевосита раҳбарлигида Ўзбекистоннинг янги касабаси уюшмалари шаклланиши дейишга барча асослар бор. Ўтган ўн йиллик даврда касабаси уюшмалари фаолиятига доир ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди. Айниқса, 2019 йил 6 декабрда “Касабаси уюшмалари тўғрисида”ги қонун имзолангани ҳамда 11 ноябрь Касабаси уюшмалари куни деб белгилангани муҳим воқеа бўлди.

Юртимизда илк бор иш ҳақи учун минтақавий ва тармоқ коэффицентлари, шунингдек, иқлим ва яшаш шароитлари оғир ва ноқулай ҳудудларда ишлаш учун ходимларга қўшимча таътилни минимал давомийлиги тасдиқланди. Касабаси уюшмалари инспекциялари қайта тикланди. Энг муҳими, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат бартараф этилди.

Китобда атоқли давлат арбоблари, сиёсатшунослар ва олимлар, шоир ва адиблардан иқтибослар келтирилган. Муаллиф улуғ Соҳибқирон Амир Темур каби шавкатли аждодларимизнинг ибратли тузуқлари, Занги ота сингари азиз-авлиёларимизнинг ҳикматлари, жадид боболаримизнинг эзгу амалларига мурожаат қилган ҳолда тарихдан сабоқ чиқариш муҳимлигини ўқтиради.

Ишончим комилки, мазкур китоб нафақат сиёсатшунослар, давлат бошқаруви соҳаси мутахассислари ва олимлар, балки талабалар, ёш тадқиқотчилар ҳамда мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳиссини чуқур англашни истаган ҳар бир китобхон учун муҳим манбадир.

Шу ўринда асарни мутлолаа қилиш асносида тутилган 3 та илмий ҳулоса ва 3 та амалий тақлифларини билдирмоқчиман.

Биринчи ҳулоса: ушбу китоб янги Ўзбекистон тараққийнинг маънавий-фалсафий асосларини ёритувчи муҳим сиёсий-публицистик манба ҳисобланади. Муаллиф давлат сиёсати, миллат руҳияти ва фуқаролик масъулияти ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиб беришга муваффақ бўлган.

Иккинчи ҳулоса: китобда баён этилган айрим фикрларни янги таҳрирдаги Конституция, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган миллий стратегиялар билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўрганиш асарининг илмий-амалий аҳамиятини янада кучайтиради.

Учинчи ҳулоса: энг асосийси, таниқли сиёсатшунос ўз китобларида, бир томондан, янги Ўзбекистонни ва улуғ Ватанимизнинг бунёдкор халқини ошуватлик билан тараннум этса, иккинчи томондан, Президентимизнинг сиёсий портретини яратиш билан бирга янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс замонавий лойиҳалари муаллифи ва асосчиси ҳисобланувчи давлатимиз раҳбарининг маънавий дунёсини ҳам очиб беради.

Биринчи тавсия. Китоб Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси тингловчилари, университетларнинг ҳуқуқшунослик ва сиёсатшунослик йўналишларида таҳсил оладиган талабалар учун “давлатчилик тафаккури”, “сиёсий публицистика” ёки “миллий тараққиёт ғоялари” фанларига қўшимча адабиёт сифатида тавсия этилиши ўринлидир.

Иккинчи тавсия. Китобни инглиз ва рус тилларига илмий таҳрир асосида таржима қилиш лозим. Шунда уни бевосита ўрганиш имконига эга бўладиган хорижий тадқиқотчилар учун ҳам янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг маънавий ва сиёсий моҳиятини англаш имконияти кенгайиши.

Учинчи тавсия. Муаллифнинг нафақат мазкур китоби, балки бошқа сиёсий-публицистик асарларини ҳам Ўзбекистон касабаси уюшмаларида қарашли ситхатҳоларда ўқитишни йўлга қўйиш лозим деб ўйлайман. Бу ҳулоса ва тавсиялар каминанинг субъектив фикрларидир. Зеро, тарихдаги барча буюк ишлар юртга, халққа, умуммаънода айтганда, инсониятга муҳаббат негизида дунёга келган.



Муносабат

ЭЗГУ умидлар рўёби

Хаётнинг кутилмаган синовлари кўп. Буни сабр билан енгиб ўтиш учун кишидан кучли ирода талаб этилади.

...Зухра опа турмуш ўртоғидан эрта айрилди. Оила бошлиғи ҳаётлиғида билинмаганди. Кейин эса рўзгор ташвишлари оғирлик қилиб қолди. Уч фарзандни воёга етказишнинг ўзи бўлмади. Уларни ўқитиш, кийинтириш, етарли озиқ-овқат билан таъминлаш осон эмас. Бундан ташқари, кичик ўғлининг соғлигида муаммо бор. Бир неча бор шифокорларга учрашди. Текширувлардан сўнг жарроҳлик амалиёти ўтказиш зарурлигини айтишди.

— Бир неча йиллардан буён кичик ўғлимни даволатишни ўйлаб юрардим, — дейди Қарши шахрлик Зухра Раҳматова. — Унинг нафас олишида муаммо бор эди. Унга қарасам, негадир ўзимни айбдордек ҳис этаверардим. Балки шифокорлар айтган жарроҳлик амалиёти ўтказишга етарли маблағ тополмаганим учундир... Бир кун маҳалламизнинг ижтимоий ходими келиб, ўғлимнинг аҳолини суриштирди. Кейин бепул жарроҳлик ўтказилишини айтиб, қўлимга ваучер берди. Рости, аввалга учналик ишонмагандим. Яқинда шифохонада жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Бугун фарзандим анча яхши. Бунинг учун барча яхши инсонлардан миннатдорман.

Жорий йил давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ, Қурбон ҳайити муносабати билан давлат мақсадли жамғармалари ҳамда қонунчиликда таққилланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ажратилган 690 миллиард сўм “Вақф” хайрия жамоат фонди орқали эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қувватлашга

у узок вақт давомида мураккаб даволаниш жараёнлари бошдан кечирган.

— Буйрак трансплантацияси тиббиётнинг энг мураккаб ва масъулиятли йўналишларидан бири, — дейди туман тиббиёт марказининг умумий хирургия бўлими бошлиғи Машраб Умиров. — Амалиётдан олдин донор ва реципиентда ўнлаб лаборатор ҳамада инструментал текширув ўтказилди. Трансплантация жараёни муваффақиятли бажарилди. Ҳозир беморнинг ҳам, донорнинг ҳам аҳоли барқарор.

— Кундан кунга умидим сўниб бораётганди. Охириги йилларда кунларим асосан шифохонада даволаниш билан ўтди, — дейди Мухриддин Болтаев. — Доим эртанги кун ҳақида ўйлардим. Акамнинг мен учун донор бўлишга рози бўлганини эшитганимда кўзларимга ёш келган... Бугун ўзимни яхши ҳис қиламан. Ҳаётим учун курашган барчадан умрим охиригача миннатдорман.

Маълумотларга кўра, бугунги кунга қадар Қашқадарёда жами 1239 беморга “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан махсус ваучерлар ажратилди. Уларнинг 1049 нафарини болалар, 162 нафарини эса буйрак етишмовчилиги, онкологик ва онкогематологик касалликларга чалинганлар ташкил этади.

Бу рақамлар юқорида қайд этилган эзгу ташаббус кўламнинг нақадар кенг эканини кўрсатади. Энг муҳими, ҳар бир рақам ортида инсон тақдирини, оила қувончи ва сақлаб қолинаётган ҳаёт мужассам.



йўналтирилди. Мазкур маблағлар ҳисобига оғир ва ногиронликка олиб келувчи касалликларга чалинган 10 минг болада жарроҳлик амалиётлари ўтказиш, онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхис қўйилган 2,3 минг беморни текширув, даволаш ва операциялар билан қамраб олиш, шунингдек, камидда 350 беморда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётларини амалга ошириш харажатларини қоплаш ҳам белгиланган эди. Айни пайтда Қашқадарёда кўплаб беморлар даво топиб, оиласи бағрига қайтмоқда.

Жумладан, яқинда Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида нишонлик Мухриддин Болтаевда мураккаб буйрак трансплантацияси амалиёти муваффақиятли ўтказилди. Унга ўз акиси донорлик қилди, операция харажатларини эса “Вақф” хайрия жамоат фонди қоплаб берди.

— Ота-она учун фарзандини бемор ҳолда кўришдан оғир нарсаси йўқ. Унинг дарди мен учун минг дарад бўлиб қўшилганди, — дейди М. Болтаевнинг онаси Малика Сафарова. — Ўғлимнинг аҳоли кун сайин оғирлашаётганидан юрагим эзиларди. Аллоҳга шукр, амалиёт муваффақиятли ўтди. Бунинг учун фарзандларим ҳаёти учун курашган шифокорлардан чексиз миннатдорман. Бу юртда ҳеч ким эътибордан четда қолмапти.

Мутахассислар таъкидича, беморда сурункали буйрак етишмовчилиги касаллиги аниқланган бўлиб,

Хайрия фонди ваучерлари асосида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига жарроҳлик амалиёти учун ётқизилган 164 боланинг яқинлари дилида ҳам бугун неқибин ўйлар уйгонган. Айни вақтга қадар уларнинг 96 нафарига зарур операциялар муваффақиятли ўтказилди.

— Ўғлим Суннатбекда бажарилган амалиёт муваффақиятли ўтди, — дейди Шахрисабз туманининг олис тоғли Оммагон қишлоғида яшовчи Ирода Абдурахимова. — Унда тугма крипторхизм аниқланган эди. Ҳозир аҳоли яхши. Фарзандимнинг саломатлиги тикланиши мен учун унутилмас лаҳзалар бўлди.

Умуман, бу хайрли ишлар нафақат жамиятда меҳроқибат, ҳамжихатлик ва инсонпарварлик қадриятини янада мустаҳкамлаётгани, балки юқори технологияли тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириб, кўплаб оғир бемор инсонлар ҳаёти, уларнинг оилаларига қувонч олиб кираётгани билан ҳам аҳамиятли. Зеро, инсон саломатлиги ва ҳаётидан азиярқоқ неъмат йўқ. Бугун кўплаб оилаларга қувонч кириб борди. Йиллаб ушалмаган орзулар амалга ошди. Энг муҳими, тиббиётдаги ислохотлар ҳаётда ўз самарасини бермоқда.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Гофир АЛИЕВ,
Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгаши раиси

Кейинги йилларда мавжуд масалаларга маҳалланинг ўзида ечим бериш тизими яратилди. Бу халқимизнинг эртанги кунга ишончини ошириб, янги ташаббус ва ғояларни илгари суришига замин яратмоқда. Лекин шиддатли ривожланиш ва халқаро майдондаги тезкор ўзгаришлар даврида бир жойда тўхтаб қолиш ярамайди.

Дилдаги гаплар



Президентимиз раислигида маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янги ташкил қилиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар янги марралар сари собитқадам илдамлашимиздан дарақ берди. Йиғилишда маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, муҳожаатлар билан ишлаш, “еттилик” фаолиятини тубдан яхшилаш ва бошқа долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугун маҳалла одамларнинг дарду ташвиши, муаммоси ва қувончига шерик бўладиган орган эмас, балки

том маънода ислохотларнинг бош бўғинига айланиб улгурди. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, ҳар бир ходимнинг вазифаси аниқ белгилаб берилди. Маҳаллалар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши учун фундаментал асослар яратилди.

Жорий йилнинг Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб номланиши муносабати билан жойларда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, одамлар ва тадбиркорлар учун шароит яратиш мақсадида туманларга ўртача 250 миллиард сўмдан, маҳаллаларга эса 5,5 миллиард сўмдан берилгани

ЁРУҒ КУНЛАР ҚАДРИ

Шукрона

“

БУГУН БЕКОБОД ҲАМ, БУТУН ЮРТИМИЗ ҲАМ ЎЗГАРЯПТИ. ЯНГИ БИНОЛАР ҚУРИЛЯПТИ, КОРХОНАЛАР ОЧИЛЯПТИ. БИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН КУНЛАРДА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЯШАЁТГАНИ, ҚИЙИНЧИЛИКЛАР УЛАРГА БЕГОНА ЭКАНИ, ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР ҲАР ҚАНДАЙ КИШИНING ҲАВАСИНИ КЕЛТИРАЁТГАНИНИ КўРИБ, ҚУВОНАМАН.

Бошланиши 1-бетда

Аввало, умр йўлим ҳақида гапирсам. Ҳаётнинг оғир синовларига анча ёш пайтимда дуч келдим. Ота-онамдан эрта етим қолиб, турли мактабларда 9-синфгача тахсил олдим. Бу қийинчиликлар иродани мустаҳкамлади, билим олишга ва одамлар ичиди муносиб ўрин топишга ундади. Кейинчалик Бекобод туманидаги 11-мактабда тахсилни давом эттириб, бир вақтнинг ўзида меҳнат қилдим, ҳаракатчанлигим ортидан катталарнинг эътиборига тушдим. Ўқувчилик пайтмдаёқ етакчи сифатида ишга қабул қилиниб, ойига 20 сўм маош олардим. Бу, менинг ёшимдаги ўспирин учун катта ишонч ва масъулият эди ўша пайтларда.

1966-1973 йилларда Самарқанд давлат университетининг “Тарих ва жамиятшунослик” факультетидан сирдан тахсил олдим. Шу йилларда ўзим ўқиган мактабда тарих ва тарбия фанларидан дарс бериб, ўқувчиларга билим улашдим. Қарийб 60 йил давом этган фаолиятим мени тажрибали педагог, моҳир тарбиячи мартабасига кўтарди.

Турмуш ўртоғим Мукаррамхон билан уч нафар фарзандни тарбияладик. Катта ўғлим иқтисодийёт фанлари доктори, профессор. Қизим хусусий мактабгача таълим ташкилоти раҳбари. Кичик фарзандим эса фавқулодда вазиятлар тизимида фаолият олиб боради. Набираларим орасида ҳам илм йўлида катта ютуқларга эришганлари анча.

Энди қизиқишларим ҳақида айтсам. Қарийб ярим асрдан буён қадимий буюмларни тўпламан. Уйим ҳақиқий музейга айланган. “Бекобод тумани ўлка тарихи музейи”ни ташкил қилганман. Бу музей туманининг маънавий ҳаётида катта аҳамият касб этмоқда. Музейда турли даврларга оид 600 дан ортиқ экспонат, турли ҳужжатлар сақланади. Қунора тарихчи олимлар, маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар, мактаб ўқувчилари музейга ташриф буюриб, маънавий завқ олади.

Шунингдек, бадийи жодада ҳам меҳрим бўлача. Бир нечта публицистик ва шеърӣ китобларим чоп этилган. “Бекобод — она юртим”, “Меҳнома”, “Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси — бир тарих”, “Шукрона” тўпламларим ҳақида кўплаб яхши гаплар, раҳматлар эшитдим.

Бугун Бекобод ҳам, бутун юртимиз ҳам ўзгарапти. Янги бинолар қуриляпти, корхоналар очилляпти. Биз орзу қилган кунларда фарзандларимиз яшаётгани, қийинчиликлар уларга бегона экани, яратилган шароитлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтираётганини кўриб, қувонаман.



Қосимжон ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби

Ана энди мурдаога ўтиш мавриди келди. Яқинда Президентимизнинг Бекободда ташрифини кузатиб, бекободликлар ҳақида айтган самийий тилаklarини тинглаб, томиримда куч, шижоат туйдим. Яна ўзим севган касб — ўқитувчиликка қайттим, ёш авлодга бугунги дориламон кунлар завқи билан яна сабоқ беришда давом этгим келди.

Меҳнаткаш ва илмий, ишли, эртасига мустаҳкам ишончи бор ёшлардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, дастурурнинг тўқин, рўзғори бутун бўлади. Зеро, меҳнат ва илм умр йўлини ёритувчи машъалдир. Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг болаларда китобга меҳр

қўллаб муаммоларга ечим бўлмоқда. Бу маблағлар маҳаллаларга чирой бағишлаб, инсонлар ҳаётини, дунёқарашини тубдан ўзгартирмоқда.

“Ободлик, тозалик бор жойда барака бўлади”, дейди халқимиз. Бугун мана шу сўз нақадар ҳақиқат эканига яна бир бор гувоҳ бўляпмиз. Маҳаллалардаги бунёдкорлик ишлари хонадонларга кўт-барака олиб кираётир. “Еттилик” ходимлари ишсиз, вақтинча банд бўлмаган фуқароларни муносиб иш билан таъминлаш, тадбиркор бўлиши учун барча имкониятларини ишга солмоқда.

Жорий йил Ваганимиз мустақиллигининг 35 йиллиги “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган эзгу ғоя асосида кенг нишонланади. Энг улуг, энг азиз байрамни маҳаллаларда кўтаринки руҳда ўтказиш учун “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” эълон қилинди. Ҳар бир вилоят ҳокими, унинг ўринбосарлари ва вилоят ташкилотлари раҳбарларига биттадан туман, туманлардаги масъулларга эса биттадан маҳалла бириктирилиб, бир ой давомида озодалик ва ободонлаштириш бўйича кенг кўламли ишларни ташкил этиш вазифаси юклатилди. Бу кенг кўламли ишларни умумийлиги ҳаракатга айлантириш бўйича Президентимиз томонидан билдирилган тақлифни навоийлик маҳалла “еттилик”лари ва жамоатчилик катта мамнуният билан қарши олди. Эзгу ишларга эса маҳаллалардан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар ҳам елкадош бўлади.

Президентимиз йиғилишда яна бир муҳим масалага эътибор қаратиб, маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш бўйича яратилган тизим натижа бераётганини қайд этди. Мисол учун, сўнгги уч йилда қриминоген вазияти оғир бўлган 1162 та маҳалланинг 571 тасида бу йил бирорта жиноят содир этилмагани ҳам жамиятда қонунларга итоаткорлик кучайиб, “еттилик” вакилларининг тарғибот ишлари самарасини бераётганини кўрсатади.

Навоийда ҳам бундай маҳаллалар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Маҳаллаларда видеокамералар ўрнатилиб, хавфсиз кўча ва йўлаклар ташкил қилинган, аҳоли муаммолари илмий асосда ҳал этилган, оилаларга психологик ёрдам кўрсатилган натижа бермоқда. Энди жиноятчиликни жиловлашга масъул илмий тажиклотлар билан бирга намунали маҳаллалар тажрибаси асосида методика ишлаб чиқилиб, йил давомида “қизил” ва “сарик” тоифадаги маҳаллалар профилактика инспекторларини ушбу методика бўйича жойига бориб ўқитиш тақлифи айтилгани ҳам соҳада тубдан ўзгариш бўлишига замин яратяди.

уйғотиш, уларни замонавий билимлар ва касбларни эгаллаши учун жон куйдириб ҳаракат қилаётгани, таълим тизимини тубдан ислоҳ этиб, такомиллаштираётгани завқимни оширади.

Бугун Бекобод ҳам, бутун юртимиз ҳам ўзгарапти. Янги бинолар қуриляпти, корхоналар очилляпти. Биз орзу қилган кунларда фарзандларимиз яшаётгани, қийинчиликлар уларга бегона экани, яратилган шароитлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтираётганини кўриб, қувонаман.

Яхши эслайман, давлатимиз раҳбари Бош вазир бўлиб ишлаб юрган кезларида Бекобод туманига жуда кўп келган. Тумандаги ҳар бир қарич ерни, ҳар бир кўприк ва йўлни, одамларнинг феъл-атворини, ҳудуднинг ўзига хос табиатини биздан яхшироқ билади. Маҳаллаларнинг ҳаммасини ўзи бориб кўрган, одамларни эски қадрдонлардек ёнига олиб суҳбатлашган, муаммоларни ўрганиб, унга доим ечим топган.

Мамлакатимиз етакчиси нафақат Бекобод, республиканинг исталган ҳудудини қафддек яхши билади. Шунинг учун ҳар бир вилоят, туман, қишлоқнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, масалага индивидуал ёндашади. Мана, Бекобод аҳолисини тадбиркорликка жалб қилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасида янги ишга тушаётган лойиҳаларда иш ўринлари яратиш, одамларни, айниқса, ёшларни доимий даромад билан таъминлаш борасидаги ишларнинг самарасини кўриб, гувоҳ бўлиб турибмиз-ку.

Яна бир нарсани қувонч билан айтишим керакки, туманимизда ҳар кун адабиёт, санъат ва китобхонлик байрами бўлмоқда. Ўтган ўқув йили мобайнида “Ҳар мактабга 100 китоб” лойиҳаси доирасида пойтахтдан ташриф буюрган таниқли шоир ва ёзувчилар, эл суйган санъаткорлар, олим ҳамда зиёлилар тумандаги 62 та мактабга жами 6200 номдаги китоблар жамланмасини туҳфа этди.

Инсон боласи яхши шароитга тез қўникади, худди аввалдан ҳаммаси шундай тургандек, санаб саногига етиб бўлмас янгиланишлар олдиндан ҳаётимизда бўлгандек, ортдаги воқеаларни эса осон унутати. Аммо инсоф билан айтганда, бу қулайликлар яратилгунча, халқнинг бугунги кечаги кундан яхши бўлгунча қанча суварлар оққанини, неча одамнинг сочи оқарганини, куну тун ором билмай заҳмат чекканини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Токи ёруғ кунларнинг қадрига етиш ҳар бир элдошимизнинг ҳаёт тарзига айлансин.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРИНОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририятга компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Т-746.

29609 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаххас: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 21:08 Топширилди — 01:55